

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАШКУРОВА ЗАРИНГИЗ ТОЛКУНОВНА**

**ЭССЕНЦИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯДА АЗИЛСАРТАННИ ИНДАПАМИД  
ВА НИТРЕНДИПИН БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚЎЛЛАНИЛГАНДАГИ  
ОРГАНОПРОТЕКТИВ САМАРАДОРЛИГИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Машкурова Зарингиз Толкуновна**

Эссенциал гипертензияда азилсартанни индапамид ва нитрендипин билан биргаликда қўлланилгандаги органопротектив самарадорлиги..... 5

**Машкурова Зарингиз Толкуновна**

Органопротективная эффективность комбинированного применения азилсартана с индапамидом и нитрендипином у больных эссенциальной гипертензией..... 24

**Mashkurova Zaringiz Tolkunovna**

Organoprotective efficacy of the combined use of azilsartan with indapamide and nitrendipine in patients with essential hypertension..... 42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАШКУРОВА ЗАРИНГИЗ ТОЛКУНОВНА**

**ЭССЕНЦИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯДА АЗИЛСАРТАННИ ИНДАПАМИД  
ВА НИТРЕНДИПИН БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚЎЛЛАНИЛГАНДАГИ  
ОРГАНОПРОТЕКТИВ САМАРАДОРЛИГИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1826 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисолаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида [www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдуллаева Гузал Жалолиддиновна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** **Нуриллаева Наргиза Мухтархановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расулова Зульфия Дадаевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57, e-mail: [info@cardiocenter.uz](mailto:info@cardiocenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Д.Қурбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

**Г.У.Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.Б.Шек**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Артериал гипертензия (АГ) ўлим ва касалланиш даражаси юқори, соғлиқни сақлаш тизими учун моддий юк бўлган глобал пандемия бўлиб қолмоқда. NHANES тадқиқоти натижалари кўрсатишича, «71-80% бемор антигипертензив терапияга муҳтож ва уларнинг фақатгина 45-50 фоизда артериал босим (АБ) адекват равишда назорат қилинади»<sup>1</sup>. АБнинг мақсад қилинган даражаларига эриша олмаслик нишон аъзоларнинг клиник кўринишлар пайдо бўлгунига қадар шикастланишига, хусусан, чап қоринча миокарди ва қон томир деворининг шикастланишига, кейинчалик уларнинг ремоделланишига олиб келади. Шу муносабат билан АГ да чап қоринча гипертрофияси (ЧКГ) регрессига, тузилма-қон томир бузилишлари коррекциясига ва артериялар эластиклигини яхшилашга қаратилган даволашни оптималлаштириш кардиологиянинг долзарб ва мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Дунёда антигипертензив препаратлар турли комбинацияларининг органопротектив самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан уйқу артерияларининг тузилмафункционал кўрсаткичларини, миокарднинг морфофункционал кўрсаткичларини, артериал қаттиқликни коррекция қилиш ва хавф омилларини, артериал босим суткалик профилини ҳисобга олган ҳолда клиник-гемодинамик кўрсаткичларини яхшилаш муносабатида янги антигипертензив препаратлар ва уларнинг янги комбинацияларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар фармацевтика компаниялари томонидан антигипертензив дориларининг янги, янада самарали фиксацияланган комбинацияларини ишлаб чиқариш учун асос бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда юрак-қон томир тизими касалликларини эрта аниқлаш ва даволашни оптималлаштириш ҳамда асоратларини камайтириш устивор йўналишлар ҳисобланади. Шу муносабат билан «...мамлакатда тиббий ёрдам самарадорлигини, сифатини ва оммавийлигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартизация тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик услубларини тадбиқ этиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, патронаж-диспансер даволашнинг самарали моделларини барпо қилиш ҳисобига касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> бўйича вазифалар белгиланди. Шунинг учун органопротекция ва юрак-қон томир асоратларини камайтириш мақсадида антигипертензив терапияни оптималлаштиришга қаратилган артериал гипертензия соҳасида тадқиқотлар ўтказиш Республикаимизда устивор ва долзарб ҳисобланади.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг 5 та устивор йўналишлар и бўйича ҳаракатлар Стратегиясига мувофиқ тиббиёт

<sup>1</sup> National Center for Health Statistics (US et al. Health, United States, 2013: With special feature on prescription drugs. – 2014.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

хизматлари сифатини яхшилаш, “тиббий ва ижтимоий—тиббий хизматлар сифатини ошириш, касалланиш даражасини пасайтириш, аҳоли ҳаёт давомийлигини ошириш” бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли, 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590 сонли фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 – 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантиришни чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071 қарорида ва бошқа меърий-ҳуқуқий актларда қўйилган вазифаларни бажариш учун хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг VI. “Тиббиёт ва фармацевтика” – фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Йирик эпидемиологик ва клиник тадқиқотлар кардиоваскуляр ходисалар, жумладан, фатал оқибатлар хавфининг ривожланишида ортган АБнинг катта аҳамиятини исботлади (Сидоров М. Н. ва бошқалар, 2001). Хусусан, юрак-қон томир ходисалари хавфи, жумладан, юрак ишемик касаллиги, цереброваскуляр касалликлар ва буйрак шикастланиши хавфи систолик АБ (САБ) даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ (Муромцева Г.А. ва бошқалар, 2014). Яқинда кардиологик амалиётда АГли беморларда қон томирлар ремоделланиши маркери сифатида қон томир қаттиқлигини баҳолаш услублари тадбиқ қилина бошлади (Gavras N. et al., 1978; Скворцов А. А., Мареев В. Ю., Беленков Ю. Н., 2008). Кўпгина эпидемиологик тадқиқотларда [RACE, AIRE, PREVENT, CARE] марказий артериялар ҳолатини ўрганиш мақсадида пульс тўлқини тезлиги (ПТТ) қўлланилади, ушбу кўрсаткич артериялар тузилмасини ва уларнинг эластиклик хусусиятларини ўз ичига олган ҳолда артериал қаттиқлигининг асосий маркери бўлиб ҳисобланган (Преображенский Д.В., Патарая С.А., 2006; Бойцов С. А., Колос И. П., 2008; Akishita M. et al., 1999; Horiuchi M., Akishita M., Dzau V. J., 1999).

Замонавий Европа тавсиялари (ESC/ESH 2018) асосида кўпчилик беморларга терапияни препаратларнинг иккилама комбинациясидан: ангиотензин айлантирувчи фермент ингибитори (ААФИ) ёки II ангиотензин рецепторлари блокатори (АРБ) + диуретик ёки кальций каналлари блокатори (ККБ)дан бошлаш кўрсатилган. Юқори бўлмаган АГли беморлар (АБ нормал қийматларга яқин), жуда кекса ва қувватсизланган кишилар бундан истисно. АРБ синфининг янги вакили бўлиб азилсартан ҳисобланади, у АТ1-рецепторига жуда яқинлиги ва ишончли боғланиш билан фарқланади, бу эса аввалроқ ўтказилган тадқиқотларда исботланган кучли ва давомийли

антигипертензив таъсирни таъминлайди (Julius S. et al., 2004; Cuspidi C. et al., 2002; Weir M. R. et al., 1998; Galle J. et al., 2008; Estep J. D. et al., 2015).

Хусусан, АБ ни офис ўлчаш ва суткалик мониторинг унинг валсартан, кандесартан ва олмесартанга нисбатан АБ ни пасайтиришда статистик ишончли устунлиги маълумотларига кўра кўрсатилган (Brenner B. M. et al., 2001). Маълумки, энг кўп тайинланадиган ва ўрганилган дигидропиридинли ККБ бўлиб амлодипин ҳисобланади. Унинг юқори антигипертензив ва органопротектив самарадорлиги аллақачон исботланган. Шу билан бирга нитрендипин кам ўрганилган нейропротектив фаолликка эга ККБ ҳисобланади. Тиазидли ва тиазидга ўхшаш диуретиклар ҳар қандай комбинацияли терапия учун “олтин” стандарт бўлиб қолган. Ушбу диуретиклар гуруҳининг энг ёрқин вакили индапамид ҳисобланади, унинг фарқли томони метаболик нейтраллик ва вазодилатацияловчи фаолликдан иборат. Унинг кекса беморларда ва юрак етишмовчилиги бор беморларда яққол ифодаланган ижобий самаралари уни эссенциал гипертензия (ЭГ)ли беморларнинг кўпчилигида устивор қилади.

Шу муносабати билан, тадқиқотимизнинг мақсади бўлиб юқори ва жуда юқори хавфга эга ЭГли беморларда антигипертензив ва органопротектив самараларга эришишда азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан комбинацияли қўлланилиши имкониятларини қиёсий баҳолаш ҳисобланади.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот режалари муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий лабораторияси базасида ПЗ-2017-091210-сонли “Эссенциал гипертонияда қон томирларнинг барвақт қаришини эрта диагностика қилиш услубларини ишлаб чиққан ҳолда атеросклерознинг дифференциал фармакотерапиясини оптималлаштириш” ва ПЗ-202007075-сонли “Генетик ва эпигенетик предикторларни ҳисобга олган ҳолда эссенциал гипертензияни диагностика қилиш, прогноз қилиш ва даволашнинг дифференциал алгоритмик модулини ишлаб чиқиш” амалий грантлари доирасида бажарилган (2018-2020 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори ва жуда юқори хавфга эга ЭГли беморларда антигипертензив ва органопротектив самараларга эришиш учун азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан комбинацияли қўлланилиши ёрдамида антигипертензив терапиянинг оптималлаштирилган услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

азилсартанни индапамид ва нитрендипин билан комбинацияли қўллашнинг антигипертензив самарадорлигини АБ офис қийматлари динамикаси ва АБ ни суткалик мониторинг кўрсаткичлари бўйича баҳолаш;  
эссенциал гипертензияли беморларда азилсартанни индапамид ва нитрендипинбилан комбинацияли қўллашнинг қон томирлар таранглик-эластиклик хусусиятларига таъсирини баҳолаш;

азилсартанни индапамид ва нитрендипин билан комбинацияли кўллашнинг нефропротектив самарадорлигини аниқлаш;

эссенциал гипертензияли беморларда терапия иккита режимининг биокимёвий кўрсаткичлар динамикасига таъсирини баҳолаш;

азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан комбинацияли терапиясини юрак тузилма-функционал кўрсаткичлари динамикасига таъсирини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** иккала жинсга мансуб 30 дан 75 гача бўлган ёшдаги I-II даражали АГли (ESC/ESH, 2018) 101 та беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида физикал текширув; АБнинг суткалик профилини аниқлаш; юракнинг морфо-функционал кўрсаткичларини баҳолаш; умумий уйку артерияларининг интима-медиа комплексини баҳолаш; худудий ва тизимли қон томир қаттиқлигини аниқлаган ҳолда қон томирларнинг таранглик-эластиклик хусусиятларини баҳолаш; қоннинг биокимёвий профилини баҳолаш; ренал функцияни баҳолаш олинган.

**Тадқиқот усуллари** сифатида клиник ҳолатни баҳолаш, эхокардиография, доплерография, аппланацион тонометрия, биокимёвий, инструментал тадқиқот услублари, шунингдек статистик таҳлилдан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ЭГ билан хасталанган беморларда азилсартаннинг индапамид билан 6 ойлик терапияси фонида азилсартан ва нитрендипин билан терапияга нисбатан тунги АБ диппинги анча яхшиланиши кўсатилган, хусусан, нон-диппер беморлар сони 72 фоиздан 44 фоизгача камайди ва дипперлар сони 10 фоиздан 32 фоизгача ортганлиги аниқланган;

илк бор ўзбек популяциясига мансуб ЭГли беморларда азилсартаннинг индапамид билан 6 ойлик терапияси фонида азилсартан ва нитрендипин билан терапияга нисбатан кардио- ва вазопротекция афзаллиги кўрсатилган;

АБСП бузилган ЭГли беморларда азилсартаннинг индапамид билан 6 ойлик терапияси фонида азилсартан ва нитрендипин билан терапияга нисбатан аҳамиятга эга кардио-, вазо- ва нефропротектив самарадорлиги намоён қилинган;

илк бор азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан комбинацияли терапияси метаболик профилга ижобий таъсири ва аъло нефропротекцияси кўрсатилди, бунда азилсартан ва индапамид гуруҳи ушбу таъсирда устунлиги қайд этилган .

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

барча ЭГли беморларда юрак-қон томир ремоделланишии предикторларини аниқлаш мақсадида ЭхоКГ, БЦА УТТ, аппланацион тонометрия услублари ёрдамида нишон аъзоларнинг симптомсиз шикастланишини ўз вақтида аниқлаш таклиф этилган.

ЭГли беморларнинг комплекс текширувига антигипертензив терапияни дифференциал танлаш учун АБни суткалик мониторинг ҳамда тунги АБ диппингини аниқлашни киритиш таклиф этилган.

нишон аъзоларнинг шикастланиши бор ва АБнинг тунги диппинги бузилган юқори ва жуда юқори хавфдаги ЭГ ли беморларга азилсартан ва индапамид билан икки компонентли бошланғич терапия ўтказиш тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор юқори ва жуда юқори хавфли ЭГли беморларда азилсартаннинг индапамид билан 6 ойлик комбинацияли терапияси қиёсий самарадорлиги ҳамда ЭГли беморларда азилсартан ва нитрендипин билан бўлган терапияга нисбатан АБ тунги диппингини яхшиланишида, шунингдек, кардио, вазо- ва нефропротекцияда азилсартаннинг индапамид билан комбинацияли терапияси афзаллиги кўрсатилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти нишон аъзоларнинг симптомсиз шикастланишини ЭхоКГ, БЦА УТТ, аппланацион тонометрия услублари ёрдамида нишон аъзоларнинг симптомсиз шикастланишини ўз вақтида аниқлаш заруратидан, шунингдек, антигипертензив терапияни дифференциал танлаш мақсадида ЭГли беморларнинг комплекс текширувига АБ тунги диппингини аниқлаган ҳолда АБни суткалик мониторингни киритилиши мақсадга мувофиқлигидан иборат, бу эса ЭГли беморларда даволашга, касалликни профилактика қилишга, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга самарали ёндашувга шубҳасиз ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ЭГли беморларда азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан комбинацияли қўлланилиши органопротектив самарадорлигини илмий жорий қилиш натижалари асосида:

ЭГли беморларда нишон органларнинг зарарланишинг эрта прогнозлаш буйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Эссенциал гипертензияли беморларда самарали органопротекция учун антигипертензив терапияга дифференциал ёндашув” (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 19 ноябрдаги 8н-р/1145-сонли хулосаси) услубий тавсиянома шакллантирилган ва тасдиқланган. Илмий натижаларни тадбиқ этиш кўрсатдики, юқори ва жуда юқори хавфи бор ҳамда клиникагача нишон аъзолар шикастланиши ва АБнинг тунги диппинги бузилган ЭГли беморларга азилсартан ва индапамид билан комбинацияли терапия тавсия этилган;

ЭГли беморларда азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан комбинацияли қўлланилиши органопротектив самарадорлигини тадқиқ қилиш ва фармакотерапияни оптималлаштириш бўйича олинган натижалар амалий тиббиётга жорий қилинган ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази бўлимлари ишида, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши ва Жиззах филиаллари ишида қўлланилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 2 августдаги 8н-з/403-сонли хулосаси). Тадбиқ қилиш натижалари АБ рақамларини ўз вақтида назорат қилишга, ЮҚТА иккиламчи профилактикасини самарали ўтказишга,

индивидуал фармакотерапияни танлашга, беморларнинг даволанишга мойиллигини оширишга, ва шу билан беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга, ногиронлик ва ўлим даражасини пасайтиришга, госпитализациялар сонини камайтиришга, меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сонини камайтиришга ва даволашга сарфланадиган маблағларни 23 фоизга тежашга имкон берган.

**Тадқиқот тури натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 1 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг объектлари ва предметлари, диссертация ишининг республика фани ва технологиялари устивор йўналишларига мувофиқлиги, илмий иш илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиниши, нашр қилинган мақолалар ва диссертация тузилмаси баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи **“ЭГ билан хасталанган беморларда юрак қон томир асоратларини ривожланишида нишон аъзоларнинг шикастланиш роли”** бобида эссенциал гипертензия (ЭГ)ли беморларда юрак-қон томир асоратлари ривожланишида нишон аъзоларнинг шикастланиши роли ҳақидаги маълумотлар келтирилган адабиётлар шарҳи баён қилинган, хусусан, чап қоринча гипертрофияси (ЧҚГ), чап қоринча диастолик дисфункцияси (ЧҚДД), тузилма-қон томир ўзгаришлари ва қон томирлар каттиқлиги юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) нинг юқори хавфи маркёрлари ва ЮҚТК мавжуд шахсларда юрак-қон томир асоратлари предиктори деб тан олинган йирик эпидемиологик тадқиқотлар шарҳи ўтказилган, ЭГли беморларда артериал босими суткалик профили (АБСП) нинг юрак-қон томир ремоделланиши билан ўзаро боғлиқлиги бўйича адабиёт маълумотлари муҳокама қилинган, ЭГли беморларда органопротекцияда комбинацияли антигипертензив терапиянинг аҳамиятига тегишли клиник тадқиқотларнинг қисқа шарҳи берилган, шунингдек, 1-типдаги ангиотензин рецепторлари янги блокатори – азилсартан тўғрисида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Беморларнинг клиник хусусиятлари ва тадқиқот дизайни”** иккинчи бобида тадқиқотнинг услублари тақдим этилган. Илмий ишда қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда клиник кузатув учун иккала жинсга мансуб ёши 30 дан 70 гача бўлган, 2020-2022 йиллар даврида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази артериал гипертония лабораториясида амбулатор кузатувдан ўтган I-II даражали АГ (ESC/ESH, 2018) билан касалланган 101 та бемор жалб қилинган. Беморларнинг клиник тавсифномаси тақдим қилинади (1-жадвал). Беморларнинг ўртача ёши  $53,1 \pm 11,2$  ни, АГнинг ўртача давомийлиги  $8,5 \pm 7,2$  йилни ташкил қилди. Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари қуйидагилардан иборат бўлди: симптоматик артериал гипертензия; III-IV ФС зўриқиш стенокардияси, II-III босқичдаги сурункали юрак етишмовчилиги; юрак ритми бузилиш бўлган беморлар; ностабил стенокардиянинг барча шакллари; анамнезда ўткир мия қон айланиши бузилиши ва охириги йилда инфарктдан кейинги кардиосклероз, оғир моддалар алмашинуви бузилишлари, буйрак ва жигар етишмовчилиги, оғир ёндош касалликлар, қандли диабет мавжудлиги, беморнинг тадқиқотда иштирок этишга норозилиги. Текширишдан бир ҳафта олдин беморларда антигипертензив терапия бекор қилинди. Зарурат туғилганда АБ нинг юқори рақамларини коррекция қилиш учун сублингвал коринфар, каптоприл ёки капотен қўлланилди.

6 ой давомида индапамид ва нитрендипиннинг азилсартан билан комбинацияли терапиясини олган ЭГли беморлар клиник тавсифномаси

Кўрсаткичлар	Умумий гуруҳ, n=101	1 – терапия гуруҳи (Азилсартан + Индапамид) n=50	2 – терапия гуруҳи(Азилсартан+ Нитрендипин) n=51	Median Test	
				$\chi^2$	p
Ўртача ёши (йил)	53,1±11,2	50,9±10,6	55,3±11,5	3,58	0,058
АГ давомийлиги(йил)	8,5±7,2	7,2±6,3	9,8±7,8	1,20	0,273
САБ (мм сим. уст.)	156,2±16,6	153±14,7	159,3±17,9	0,49	0,485
ДАБ (мм сим. уст.)	90,9±11,2	90,2±11,4	91,5±11,1	0,10	0,749
АБ ўр (мм сим. уст.)	112,6±11,6	111,1±11,6	114,1±11,6	0,26	0,613
ТВИ (кг/м <sup>2</sup> )	30,7±4,6	30,7±3,8	30,6±5,3	0,01	0,921
ТВИ>30 (кг/м <sup>2</sup> ), %	53 (52,5%)	28 (56,0%)	25 (49,0%)	0,49	0,482
ТВИ>25<30 (кг/м <sup>2</sup> ), %	38 (37,6%)	19 (38,0%)	19 (37,2%)	0,01	0,938
ЧҚГ, %	80 (79,2%)	38 (76,0%)	42 (82,3%)	0,62	0,431
РЕ/РА< 1,0, %	75 (74,3%)	33 (66,0%)	42 (82,3%)	3,53	0,060
ПТТ>10 м/с, %	48 (47,5%)	22 (44,0%)	26 (51,0%)	0,49	0,482
ИМК ≥0,9 мм, %	67 (66,3%)	28 (56,0%)	39 (76,5%)	<b>4,74</b>	<b>0,029</b>
Дислипидемия, %	74 (73,3%)	36 (72,0%)	38 (74,5%)	0,08	0,776

Барча беморлар 2 та фармакотерапия гуруҳига тақсимланди: 1-гуруҳ – азилсартан ва индапамид билан комбинацияли антигипертензив терапия (АГТ) даги беморлар (n=50) ва 2-гуруҳ – азилсартан ва нитрендипин билан терапиядаги беморлар (n=51). Азилсартаннинг ўртача суткалик дозаси 49,3±6,0 мг ни, нитрендипинники – 10,88±4,3 мг ни ва индапамидники - 1,69±0,5 мг ни ташкил қилди. Тадқиқотда қуйидаги препаратлар қўлланилди: азилсартан медоксомил (Эдарби, «STADA», Германия), индапамид (Индап,

«PROMEDPRAGA», Чехия) ва нитрендипин (Нитрессан, «PROMEDPRAGA», Чехия). Препаратлар дозалари САБ нинг мақсад қилинган даражаси (<140мм сим.уст.) гача ва ДАБ нинг мақсад қилинган даражаси (<90мм сим.уст.) гача ёки ўртача АБ нинг 10% ва ундан кўпга пасайишигача ҳар 2 ҳафтада титрланди. Барча беморлар антигипертензив терапиядан ташқари гиполипидемик терапияни (розувастатин ўртача суткалик дозада) қабул қилдилар. Зарурат туғилганда индивидуал ҳолда иккиламчи профилактика сифатида антиагрегант терапия, хусусан, ацетилсалицил кислотаси 75 мг дозада тайинланди.

Барча беморларда клиник кўрув, АБ ни суткалик мониторинг, электрокардиография, эхокардиографиядоплерография билан бирга, апланнацион тонометрия, брахиоцефал артерияларнинг ультратовуш текшируви, липид спектри, қондаги глюкоза, креатинин, сийдик кислотаси, микроальбуминурия (МАУ), МАУ/пешобдаги креатининни ўз ичига олган биокиёвий таҳлил ўтказилди.

Олинган натижаларнинг статистик ишлови Microsoft Excel 2010 маълумотлар базасида Statistica 10.0 дастурини қўллаган ҳолда ўтказилди. Маълумотлар куйидаги кўринишда ифодаланди: ўртача (М)±стандарт чекланиш (SD). Тақсимланиш типига боғлиқ ҳолда узлуксиз катталиклар фарқларининг статистик аҳамиятини аниқлаш учун Стьюдентнинг t мезони (параметрик тақсимланишда) ва Уилкоксоннинг мезонлари, Манн Уитнинг U-мезони (нопараметрик тақсимланишда) қўлланилди. Дискрет ўзгарувчиларни таққослашда  $\chi^2$  мезонидан фойдаланилди. Фарқлар  $p < 0,05$  да статистик ишончли деб ҳисобланди. Гуруҳлар ичида динамик ўзгаришларни баҳолаш учун белгилар мезони, t мезони қўлланилди.

Диссертациянинг **“Эссенциал гипертензияли беморларда азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан комбинацияли қўлланилиши клиник самарадорлиги”** учинчи боби. Тадқиқот баённомасига мувофиқ 6 ойлик терапияни 101 та бемор тамомлади. Умумий гуруҳда гемодинамиканинг дастлабки кўрсаткичлари куйидагилардан иборат бўлди: САБ  $156,2 \pm 16,6$  мм сим.уст., ДАБ  $90,9 \pm 11,4$  мм сим.уст., АБўр  $112,6 \pm 11,6$  мм сим.уст., ЮҚТ  $80,7 \pm 11,5$  зарб/дақ.

Азилсартан билан индапамид комбинацияли 1-гуруҳига 51 та бемор киритилган бўлиб, 6 ойлик терапияни 50 та (98,04%) бемор тамомлади, битта (1,96%) бемор препаратларни номунтазам қабул қилиш туфайли тадқиқотдан чиқиб кетди. Азилсартан билан нитрендипин комбинацияли 2-терапия гуруҳини 51 та (96,23%) бемор тугатди, 2 та (3,77%) бемор бош оғриқлари, юз қизариши, юрак уриб кетиши кўринишидаги ножўя таъсирлар ривожланиши сабабли тадқиқотдан чиқиб кетди.

Азилсартан билан индапамид комбинацияли 6 ойлик терапия жараёнида САБ ва ДАБ стабиллашуви фонида беморлар умумий клиник ҳолатининг яхшиланиши қайд этилди, бу эса бош оғриқлари, бош айланиши, энса соҳасидаги оғирликнинг камайиши билан шартланди. Умуман олганда

препаратни кўтара олиш яхши деб тавсифланди. 6 ойнинг охирига келиб, САБ нинг офис қийматлари пасайиши кўрсаткичлари  $20,8 \pm 8,5\%$  ни, ДАБ учун –  $12,9 \pm 9,6\%$  ни, ўртача АБ учун –  $16,7 \pm 7,8\%$  ни ташкил қилди, барча ҳолатлар учун  $p=0,000$ . Бунда САБ нинг мақсад қилинган даражаларига 48 та (96,0%) беморда, ДАБ учун 47 та (94,0%), АБўр учун 49 (98,0%) беморда эришилди.

Азилсартаннинг нитрендипин билан комбинацияли қўлланилиши умуман олганда қониқарли клиник самарадорлик ва кўтара олиш билан тавсифланди. САБ, ДАБ ва АБўр нинг пасайиш даражаси мувофиқ равишда  $22,2 \pm 7,0\%$ ,  $13,2 \pm 10,3\%$ ,  $17,7 \pm 7,1\%$  ни ташкил қилди, барча ҳолатлар учун  $p=0,000$ . САБ нинг мақсад қилинган даражаларига 47 та (92,2%) беморда, ДАБ учун 57 та (98,0%), АБўр учун 51 (100%) беморда эришилди. Иккала терапия режими фонида ЮҚТ нинг ижобий динамикаси қайд этилди: азилсартан билан индапамид гуруҳида  $81,7 \pm 10,1$  дан  $71,6 \pm 5,5$  зарб/дақ гача ( $p=0,000$ ), азилсартан билан нитрендипин гуруҳида  $79,8 \pm 12,7$  дан  $68,8 \pm 6,3$  зарб/дақ гача ( $p=0,000$ ) пасайди.

Қиёсий жиҳатдан иккала гуруҳда ҳам АБнинг офис қийматлари динамикаси бўйича фарқлар кузатилмади. Иккала гуруҳда юқори антигипертензив самарадорлик кузатилди.

Терапия режимидан қатъий назар АБСП кўрсаткичларининг ижобий динамикаси кўрсатилди. Хусусан, САБ ва ДАБ нинг ўртача суткалик, ўртача кундузги ва ўртача тунги қийматлари, САБ ва ДАБ нинг кундузги ва тунги вариабеллиги, шунингдек, кундузи ва тунда ортган САБ ва ДАБнинг зўриқма индекслари азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан бирга қўлланилиши фонида анча пасайди. САБ нинг ўртача суткалик қиймати биринчи гуруҳда дастлаб  $140,2 \pm 15,7$  мм сим.уст. ни, динамикада –  $118,5 \pm 12,7$  мм сим.уст.ни ( $p<0,001$ ), иккинчи гуруҳда мувофиқ равишда  $142,6 \pm 15,0$  мм сим.уст.ва  $123,7 \pm 9,1$  мм сим.уст.ни ташкил қилди ( $p<0,001$ ); ДАБ нинг ўртача суткалик қиймати биринчи гуруҳда дастлаб  $87,6 \pm 13,1$  мм сим.уст. ни, динамикада –  $73,1 \pm 9,4$  мм сим.уст.ни ( $p<0,001$ ), иккинчи гуруҳда мувофиқ равишда  $85,5 \pm 10,0$  мм сим.уст. ва  $73,7 \pm 8,0$  мм сим.уст.ни ташкил қилди ( $p<0,001$ ); ўртача кундузги САБ биринчи гуруҳда дастлаб  $141,4 \pm 16,7$  мм сим.уст.ни, динамикада –  $120,1 \pm 13,3$  мм сим.уст.ни ( $p<0,001$ ), иккинчи гуруҳда мувофиқ равишда  $144,3 \pm 15,6$  мм сим.уст. ва  $124,8 \pm 8,8$  мм сим.уст.ни ташкил қилди ( $p<0,001$ ); ўртача кундузги ДАБ биринчи гуруҳда дастлаб  $89,3 \pm 14,3$  мм сим.уст.ни, динамикада –  $75,2 \pm 10,0$  мм сим.уст.ни, иккинчи гуруҳда мувофиқ равишда  $87,2 \pm 10,3$  мм сим.уст. ва  $75,5 \pm 8,1$  мм сим.уст.ни ташкил қилди ( $p<0,001$ ); ўртача тунги САБ биринчи гуруҳда дастлаб  $133,1 \pm 16,0$  мм сим.уст.ни, динамикада –  $113,9 \pm 12,4$  мм сим.уст.ни ( $p<0,001$ ), иккинчи гуруҳда мувофиқ равишда  $138,4 \pm 14,5$  мм сим.уст. ва  $121,5 \pm 12,1$  мм сим.уст.ни ташкил қилди ( $p<0,001$ ); ўртача тунги ДАБ биринчи гуруҳда дастлаб  $82,2 \pm 12,5$  мм сим.уст. ни ( $p<0,001$ ), динамикада –  $67,8 \pm 9,2$  мм сим.уст.ни, иккинчи гуруҳда мувофиқ равишда  $80,8 \pm 11,3$  мм сим.уст. ва  $69,4 \pm 10,3$  мм сим.уст.ни ташкил қилди ( $p<0,001$ ).

САБ ва ДАБнинг тунги пасайиш даражасини таҳлил қилганда иккала терапия гуруҳида маълум бир ўзига хос хусусият қайд этилди. Хусусан, биринчи терапия гуруҳида даволашдан олдин САБнинг суткалик профили бўйича нон-дипперлар сони анча устун бўлган (72,0% бемор), азилсартаннинг индапамид билан бирга қўлланилган 6 ойлик терапиясидан кейин нон-дипперлар сони 44 фоизгача анча пасайди, шунингдек дипперлар сони деярли 3 баробар ортди: даволашдан олдин – 10,0%, даволашдан кейин – 32,0% бемор ( $\chi^2=9,59$ ,  $p=0,022$ ). ДАБнинг суткалик профили бўйича аналогик таҳлил шунингдек тунги вақтда ДАБ даражаси етарли даражада пасаймайдиган беморлар сони камайганлигини аниқлади. ДАБ бўйича нон-дипперлар сони даволашдан олдин 60,0% ни, даволашдан кейин 40 фоизни ташкил қилди ( $\chi^2=8,16$ ,  $p=0,043$ ).

Азилсартан ва нитрендипин билан 6 ойлик комбинацияли терапия фонида дастлабки ва динамикада турли тунги диппингли беморлар сонидаги фарқлар кузатилмади.

Диссертациянинг **“Эссенциал гипертензияли азилсартанни индапамид ва нитрендипин билан биргаликда қўлланилганда органопротектив самарадорлиги”** тўртинчи бобида текширилаётган беморларда ИМК қалинлашуви, МАУ, креатинин миқдорининг ортиши, калава фильтрацияси тезлиги (КФТ) пасайиши билан шартланган қон томир ремоделланиши жараёнлари динамикаси изчил баён қилинган, шунингдек, иккита терапия режими жараёнида кўрсатилган ўзгаришларнинг вазо- ва нефропротектив имкониятлари баҳоланган.

Азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан комбинацияли терапияси 6 ой даволашда кейин тузилма қон томир бузилишларни яхшилашга ёрдам берди, бунда биринчи гуруҳда бирмунча афзаллик кузатилди ва қайд этиш лозимки, ИМК қалинлиги чап томондан фақат азилсартаннинг индапамид билан бирга қўлланган гуруҳида ишончли камайди, бунда ИМК қалинлиги дастлаб  $0,90 \pm 0,10$  мм ни, динамикада –  $0,86 \pm 0,11$  мм ни ташкил қилди ( $p < 0,02$ ) ва нормал қийматларга эришилди.

Шунингдек, иккала гуруҳда МАУ даражасининг: биринчи гуруҳда дастлабки  $30,5 \pm 27,8$  мг/л дан динамикадаги  $17,5 \pm 18,4$  мг/л гача ( $p < 0,001$ ); иккинчи гуруҳда дастлабки  $29,3 \pm 34,9$  мг/л дан динамикадаги  $15,7 \pm 17,9$  мг/л ишончли пасайиши ( $p < 0,001$ ) кузатилди. Қондаги креатинин даражасининг ишончли пасайиши иккала гуруҳда қайд этилди: 1 терапия гуруҳида ( $83,0 \pm 18,8$  мкмоль/л дан  $77,9 \pm 14,6$  мкмоль/л гача,  $p < 0,001$ ), бу эса калава фильтрацияси тезлигининг ишончли ортиши билан бирга кузатилди ( $84,5 \pm 16,4$  мл/мин/1,73 м<sup>2</sup> дан  $91,0 \pm 14,5$  мл/мин/1,73 м<sup>2</sup> гача,  $p < 0,001$ ); аналогик ўзгаришлар 2 гуруҳда ҳам аниқланди: қондаги креатинин  $84,3 \pm 21,9$  мкмоль/л дан  $79,1 \pm 18,2$  мкмоль/л гача пасайди ( $p < 0,05$ ), бу эса шунингдек калава фильтрацияси тезлигининг ишончли ортиши билан бирга кузатилди ( $83,4 \pm 20,7$  мл/мин/1,73 м<sup>2</sup> дан  $88,2 \pm 17,4$  мл/мин/1,73 м<sup>2</sup> гача,  $p < 0,001$ ). Шунга қарамай, иккинчи гуруҳда биринчи гуруҳга нисбатан МАУ/креатинин нисбати ишончли пасайди ( $31,7 \pm 35,0$  мг/мкмоль/л дан  $25,6 \pm 39,1$  мг/мкмоль/л гача,  $p < 0,05$ ), бу эса

азилсартаннинг нитрендипин билан терапия гуруҳида нефропротекция яхшироқ эканлигини кўрсатади.

Биринчи гуруҳда СБК 50 та беморнинг ҳаммасида аниқланди, улардан 22 таси (44,0%) I босқичда, 26 таси (52,0%) II босқичда, 2 таси (4,0 %) III босқичда бўлган. Азилсартан ва индапамид билан терапиядан кейин СБКнинг III босқичи битта беморда II га ўтди, СБК II босқичи 23 тагача (46,0%) беморда камайди, I босқични 26 та (52,0%) бемор ташкил қилди, бу эса ЭГли беморларда буйрак функциясига ижобий таъсир кўрсатди. Иккинчи гуруҳда СБК 48 та беморда аниқланиб, улардан I босқични 19 та (37,2%) бемор, II босқични 26 та (51,0%) бемор, III босқични 6 та (11,8%) бемор ташкил қилган. Азилсартан ва нитрендипин билан даволашдан кейин СБК III босқичи 4 та беморда I босқичга ўтди, III босқичли беморлар сони 2 (3,9%) гача камайди, I босқичли беморлар сони 23 тагача (45,1%) камайди, II босқичли беморлар сони аввалгича сақланиб қолди (26 (51,0%)), бу ҳам терапиянинг ЭГли беморларда буйрак функциясига ижобий таъсир сифатида баҳоланди.

Азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан 6 ойлик терапияси жараёнида умуман гуруҳлар бўйича тавсия этилган парҳез режимини сақлаш ва гиполипидемик терапия фонида аралашувлар иккита вариантнинг метаболик профилга ижобий таъсири қайд этилди. Иккала гуруҳда липид спектри кўрсаткичларини ўрганишда липид спектрининг энг атероген фракциялари – УХС ва ПЗЛП ХС даражаларининг юқори ишончли пасайиши қайд этилди. Хусусан, биринчи гуруҳда УХС  $205,5 \pm 36,3$  мг/дл дан  $184,1 \pm 27,6$  мг/дл гача ( $p < 0,001$ ), ПЗЛП ХС даражаси эса  $124,5 \pm 29,2$  мг/дл дан  $105,5 \pm 28,6$  мг/дл гача ишончли пасайди ( $p < 0,001$ ). Аналогик ўзгаришлар иккинчи гуруҳда ҳам кузатилди: УХС  $215,7 \pm 56,3$  мг/дл дан  $184,6 \pm 37,9$  мг/дл гача ( $p < 0,001$ ), ПЗЛП ХС эса  $129,7 \pm 48,7$  мг/дл дан  $103,9 \pm 32,7$  мг/дл гача ( $p < 0,001$ ) камайди. Бироқ, фақат азилсартан ва индапамид билан терапия фонида ТГ даражаси  $175,4 \pm 88,2$  мг/дл дан  $146,5 \pm 52,3$  мг/дл гача камайди ( $p < 0,02$ ). Азилсартан ва нитрендипин билан даволаш гуруҳида ТГ даражасининг пасайиши ишончилилик сатҳигача етиб бормади ( $171,6 \pm 105,2$  мг/дл, дан  $149,0 \pm 51,7$  мг/дл гача) ( $p > 0,05$ ).

Шунингдек, азилсартан ва индапамид терапия гуруҳида қондаги глюкоза миқдорининг азилсартан ва нитрендипин гуруҳига нисбатан  $5,7 \pm 1,0$  ммоль/л дан  $5,4 \pm 0,6$  ммоль/л гача ишончли пасайиши ( $p < 0,02$ ) қайд этилди, иккинчи гуруҳда ҳам глюкоза миқдори камайди, лекин у ишончли тавсифга эга бўлмади ( $5,6 \pm 0,6$  ммоль/л дан  $5,5 \pm 0,6$  ммоль/л гача ( $p > 0,05$ )). Шунингдек, иккала комбинациянинг сийдик кислотасига ижобий таъсири қайд этилди. Сийдик кислотаси даражаси биринчи гуруҳда  $6,1 \pm 1,6$  мг/дл дан  $5,3 \pm 1,5$  мг/дл гача ( $p < 0,001$ ), иккинчи гуруҳда  $6,3 \pm 1,9$  мг/дл дан  $5,5 \pm 1,3$  мг/дл гача ( $p < 0,001$ ) пасайди.

Комбинацияли терапиянинг қон томир ремоделланишига таъсирини ўрганишнинг кейинги босқичи азилсартан билан индапамид ва нитрендипин комбинациясидаги иккита терапия режимининг марказий гемодинамика

кўрсаткичлари ва артериал қаттиқлик динамикаси бўйича самарадорлигини қиёсий баҳолашдан иборат бўлди.

Марказий гемодинамика ва артериал қаттиқлик кўрсаткичлари таҳлили иккала терапия режимининг 6 ойлик самарадорлигини аниқлади, бунда азилсартаннинг индапамид билан комбинацияси самараси иккинчи гуруҳга нисбатан устунроқлиги қайд қилинган бўлиб, барча ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича ижобий динамика кузатилди. Хусусан, биринчи ва иккинчи гуруҳда мСАБ, мДАБ, мПБ, аортал аугментация (АА) кўрсаткичлари ишончли равишда яхшиланди, пульс тўлқини тезлиги (ПТТ) камайди. ПТТ кўрсаткичи 1 гуруҳда  $9,6 \pm 3,1$  м/с дан  $7,4 \pm 2,3$  м/с гача ( $p < 0,001$ ), 2 гуруҳда  $10,5 \pm 3,2$  м/с дан  $7,4 \pm 1,7$  м/с гача ( $p < 0,001$ ) пасайди, натижада нормал қийматларга эришилди. Бироқ аугментация индекси (АІ) фақат азилсартаннинг индапамид билан комбинациясида ишончли равишда камайди:  $29,5 \pm 11,6$  % даволашдан олдин ва  $24,8 \pm 13,2$  % даволашдан кейин ( $p < 0,05$ ), азилсартаннинг нитрендипин билан комбинациясида эса:  $31,4 \pm 10,9$  % даволашдан олдин ва  $30,1 \pm 13,8$  % даволашдан кейин ( $p > 0,05$ ). Бунда аугментация индекси динамикада 1 гуруҳ беморларида 2 гуруҳ беморларига нисбатан анча паст бўлганлиги кузатилди:  $24,8 \pm 13,2$  %  $30,1 \pm 13,8$  % га қарши ( $p < 0,05$ ).

Кейинчалик АБСП бузилган ва бузилмаган беморларда қон томирлар ремоделланиши ва буйрак шикастланиши маркёрлари динамикаси таҳлил қилинди. Бу мақсадда азилсартаннинг индапамид ва нитрендипин билан терапия гуруҳларидаги беморлар САБ нинг тунги пасайиши даражасига кўра 4 та кичик гуруҳга тақсимланди: биринчи гуруҳда АБСП бузилган кичик гуруҳ нон-дипперлар, найт-пиккерларва овер-дипперларданиборат бўлди ( $n=34$ ) ва АБСП бузилмаган кичик гуруҳни дипперлар ташкил қилди ( $n=16$ ); 2-гуруҳда АБСП бузилган 36 та бемор, АБСП бузилмаган 15 та бемор бўлди.

